

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ АБДУЛВОҲИДХОН ОРИФХЎЖАЕВИЧ

МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Нуриддинов Абдулвоҳидхон Орифхўжаевич Махдуми Аъзам Косонийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти.....	5
Нуриддинов Абдулвоҳидхон Орифхўжаевич Значение социально–нравственных взглядов Махдуми Аъзама Касани.....	18
Nuriddinov Abdulvohidkhon Orifkhujaevich The significance of social and ethical views of Makhdumi A`Zam Kasani.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	39

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ АБДУЛВОҲИДХОН ОРИФХЎЖАЕВИЧ

МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.(PhD) Fal162 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳошимхонов Мумин
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Зоҳидов Абдуқодир
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 20 20 йил «15» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (983 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «01» декабрь кuni тарқатилди.
(2020 йил «1» декабрь даги 2 -рақамли реестр баённомаси).



Г.Н. Наврўзова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа ф. д., профессор

А.З. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа ф. н., доцент

Ҳ.Ю. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Шарқ халқларининг фалсафий мероси бўлган тасаввуфни ўрганиш, ўқитиш, тадқиқ этишга қизиқиш катта бўлиб, ундаги инсонпарварлик, маърифат ва тинчлик ғоялари юқори тараққий этган замонавий жамиятларнинг давлатчилик, таълим ва ҳуқуқий асосларига олиб кирилмоқда. Тасаввуфнинг нақшбандия таълимоти ва унинг асосий мактаблари: ахрория, даҳбедияга хос тушунчалар, инсон камолотига оид ғояларини таҳлил этиш, уларнинг манбаларини аниқлаш ва илмий таснифлаш муҳим аҳамият касб этиб, бу мавзулар жаҳон фалсафаси маданий мероси сифатида етакчи шарқшунос олимларнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда. Шарқнинг буюк мутасаввифлари, шу жумладан, хожагон-нақшбандия тариқатининг ёрқин намояндаларидан бири Махдуми Аъзам Косонийнинг илмий-маънавий мероси жаҳон халқлари, айниқса ёшларни юксак ахлоқли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё замонавий фалсафий билимлар тараққиёти тарихида Шарқ фалсафасининг ирфоний мактабларидан бўлган даҳбедия таълимоти, унинг йирик вакиллари фаолияти, яратган асарлари юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш ва уларни ахлоқий юксалтиришда; турли ёт мафкура, ғоявий таҳдид, ахлоқий инқироз, маънавий-ахлоқий хуружлардан ҳимоя қилишга хизмат қилувчи тасаввуф мутафаккирлари қолдирган маънавий-маърифий меросни тадқиқ этиш, улар илгари сурган фалсафий ғояларни, ижтимоий қарашларни очиқ беришга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар даврида дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларнинг шахсияти, илмий-маънавий меросини ҳар томонлама, чуқур ўрганишга катта эътибор берилмоқда. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»¹. Шундай донишманд аждодларимиздан бири Махдуми Аъзамнинг умуминсоний демократик кадриятларни ривожлантириш, тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришга оид инсонпарвар фаолияти, илмий-фалсафий ва ахлоқий концепциялари, ижтимоий-ахлоқий ғояларини очиқ бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. –Тошкент: «Ўзбекистон овози» газетаси. 2017 йил 21 сентябрь (№117) сони.

таракқиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илм-фананда хорижлик олимлар А.Хамид, Т.Эсенбеки, Д.Деин, А.Книш, В.Гарднер ва бошқалар XVI асрда Мовароуннаҳрда нақшбандия тариқатини ривожлантиришдаги ўрнини эътироф этишган бўлса, бу борада Ҳожи Сайид Абдужалилхожанинг беш жилддан иборат «Аз насабномаи сайидзодағони Мовароуннаҳр» (Мовароуннаҳрлик сайидзодаларнинг насабномаси) тазкирасидаги қарашлар алоҳида аҳамиятга эга¹.

Рус олимларининг ишларида О.Акимушкин, А.Семёнов ва бошқалар мутафаккирнинг тариқатдаги фаолиятини ўрганишган. Мутасаввифнинг баъзи асарлари таржима қилиниб, унинг таҳлили асосида ижтимоий-сиёсий қарашларининг айрим қирралари ёритилган².

Ўзбек тасаввуфшунослигида Махдуми Аъзамнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги илк маълумотлар Хожа Абулбақо ибн Хожа, Абу Тоҳир Хожа, Ҳофиз Иброҳим, Мавлоно Мир Муҳаммад ал-Муфтий Оҳангароний, Абулҳаким Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носириддин ал-Ҳанафий, ал-Ҳусайн ал-Бухорий, Муҳаммад Содик Қошғарий, Муҳаммад Қозий асарларида маълумотлар берилган³.

¹Ҳожи Сайид Абдужалилхожа. Аз насабномаи сайидзодағони Мовароуннаҳр. (Мовароуннаҳр сайидзодалари насабномасидан), («Баҳр-ул-ансоб»), I-V жилдлар. –Душанбе: Шарқи озод, 2008-2009. –Б.351.

² Мудрость Суфиев. (Пер.с.перс). Ястребов О.М. Ионнесяна И.А, Бобинтова Б.М. –Санкт-Петербург: Азбука. Петербургское Востоковедение, 2001. –С. 373-428.

³ Хожа Абдулбақо ибн Хожа Баҳоуддин. «Жомеъ-ул-мақомот». Қўлёзма. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Инв.№7638/в.; Мир Муҳаммад ал-Муфтий Оҳангароний. «Маноқиби Мавлоно Лутфуллох». Қўлёзма. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. инв.№ 5785, Абдул Ҳаким Самарқандий «Қандия» (таржимон К.Каттаев, – Самарқанд: Суғдиёна, 1994. –85 б). Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», –Тошкент: Юлдузча 1994. Абу Тоҳирхўжа «Самария». – Тошкент: Камалак, 1991. –Б.258. Носириддин Ҳусайн Бухорий «Тухфат-ул-зоирин». Бухоро шаҳар музейи кутубхонаси. – Б.61-66. Муҳаммад Содик Қошғарий «Тазкираи Азизон». К.Каттаев шахсий кутубхонасидан. Муҳаммад Қози «Силсалат-ул-орифин» Қўлёзма. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Инв.№11413.

Мустақиллик йилларида Махдуми Аъзамнинг ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашларини ўрганишга бағишланган бир неча тадқиқотлар амалга оширилди. Бу борада Н.Жабборов, К.Каттаев, А.Хўжаев, А.Жузжоний, Б.Тўраев, А.Зоҳидий, Э.Зоиров, Х.Саматов изланишларида мутасаввифнинг маънавий мероси, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари ёритилган¹.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тасаввуфшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Махдуми Аъзам Косоний маънавий-илмий меросидаги диний-ирфоний ва ижтимоий-ахлоқий қарашлар ҳамда уларнинг ахлоқий-тарбиявий маҳорати монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган 4.2-банди «Ўзбекистон миллий-маънавий маданияти тараққиёти қонунлари» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Махдуми Аъзам илмий-маънавий мероси, ундаги ижтимоий-ахлоқий ғояларнинг баркамол авлодни инсонпарварлик тамойили асосида тарбиялашдаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Махдуми Аъзам яшаган тарихий даврдаги маданият ва илм-фан ривожининг ўзига хос жиҳатларини, улуғ аллома меросининг илмий-фалсафий, тасаввуфий-диний, ижтимоий-фалсафий аҳамиятини ёритиш;

Махдуми Аъзамнинг «Рисолайи вужудия» асари таҳлили асосида борлиқ, инсон, худо ва уларнинг ўзаро муносабатларига оид фалсафий қарашларининг моҳиятини очиб бериш;

мутасаввифнинг «Одоб-ус-солиқин», «Одоб-ус-сиддиқин», «Насихат-ус-солиқин», «Одоб-ул-уламо», «Миръот-ус-сафо», «Рисолаи илмия» асарларида баён этилган ижтимоий-ахлоқий ва маънавий қарашларини янги манбалар ва замонавий ёндашиш асосида далиллаш;

алломанинг «Зубдат-ус-солиқин ва танбият-ус-салотин», «Ганжнома» асарлари асосида жамият тинчлиги, осойишталиги, давлатни бошқариш, ижтимоий адолат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳақидаги қарашлари аҳамиятини аниқлаш;

¹ Жабборов Н. Махдуми Аъзам Даҳбедий. –Тошкент, 1993. – 42 б.; Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд: Суғдиёна. 1994. – 94 б.; Хўжаев А. Махдуми Аъзам //Жаҳон мулкининг нигоҳбони. – Бухоро: Маърифат, 1993. – 54 б.; Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. –Тошкент: Адолат, 2001. – 113 б.; Тўраев Б. Муҳаммаджонова Ф. Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний. Махдуми Аъзам . – Тошкент: Наврўз, 1995. – 98 б.; Тўраев Б. Махдуми Аъзам – мутафаккир. – Самарқанд: 2014. – 56 б.; Зоҳидий А. Махдуми Аъзам. Сийрати ва мероси. – Тошкент: Адолат, 1996. – 89 б.; Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Фалс.фан. ном.дисс... –Тошкент: 2007.; Саматов Х. Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Фалс.фан. док (PhD) дисс... –Самарқанд: 2018

Тадқиқотнинг объекти сифатида Маҳдуми Аъзам Косоний ижтимоий ахлоқий қарашлари акс этган фалсафий мерос ҳамда мутафаккир қарашлари тўғрисидаги илмий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Маҳдуми Аъзам асарларидаги ижтимоий-ахлоқий қарашлар, комил инсон тўғрисидаги ғоялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, тарихийлик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, ретроспектив таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиёдаги XV ва XVI асрлар маънавий, иқтисодий, сиёсий таназзули даврида Маҳдуми Аъзам тасаввуфий мероси мисолида нақшбандия тариқатига хос, маънавий ривожланишда муҳим уч қоида «ихвон – макон – замон» тушунчаларига «хон» қоидасини жорий этиб, ижтимоий ҳимоя тизимида адолат тамойилини киритгани исботланган;

Марказий Осиё тарихида Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий таълимотидаги сиёсат, давлат, адолат, ахлоқ масалалари Маҳдуми Аъзамнинг «Зубдат ус-соликин ва танбият-ус – салотин» асарида ижтимоий гуруҳларни консенсус – муроСага келтириш принципини ривожлантиргани ҳамда янги даражада талқин қилгани далилланган;

Маҳдуми Аъзамнинг «Одоб ус-соликин» ва «Ганжнома» асарларидаги тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик, бағрикенглик, гуманистик қадриятларни асраш, билим олишга интилиш ғояларининг тасаввуфдаги «Тавҳид», «Ҳақ», «Рух», «Қалб» тушунчалари билан уйғунлиги аниқланган.

Маҳдуми Аъзам ижтимоий-ахлоқий қарашларида марказий ўрин эгаллаган инсонпарварлик, бағрикенглик, ватанпарварлик ва масъулиятлилик тўғрисидаги ғоялари ёш авлодни баркамоллик руҳида тарбиялашда муҳим тамойиллар эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёти ва ижодини ёритишда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият ва илм-фан ривожини ҳамда мутафаккир таълимотини англашда унинг ҳаёти ва маънавий меросини ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий-ахлоқий фикр ривожидидаги ўрнини ўрганишга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

алломанинг ижтимоий-ахлоқий меросидан ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган турли диний-мафкуравий таҳдидлар, «оммавий маданият» ниқоби остидаги ғоявий хуружлар таъсирида жамиятдаги маънавий-ахлоқий инқирозни олдини олиш ва ёшлар онгида илмий-фалсафий дунёқарашни, соғлом фикр ва етук ахлоқни шакллантириш концепциясини тузишда фойдаланиш тавсия этилган;

мутафаккир асарларида илгари сурилган жавонмардлик, маънавий баркамолликка эришиш, «ўз-ўзини таҳлил қилиш» ва «ўз-ўзини тарбиялаш» методларини ижтимоий институтлар фаолиятига жорий қилиш мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий

маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадиий манбалардан олинганлиги, тарихийлик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, ретроспектив таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Махдуми Аъзам ҳаёт йўли, маънавий-маърифий мероси, яратган асарлари, уларда ифода этилган илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий ғоялар талқинига оид қарашлардан манбашунослик, фалсафа йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларда назарий-методологик манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Фалсафа тарихи», «Этика», «Педагогика», «Диншунослик» ва «Маданиятшунослик» каби фанлардан дарслик, ўқув кўлланма, услубий кўрсатма ва ўқув мажмуаларини яратишда, тасаввуф луғатларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махдуми Аъзам маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Махдуми Аъзам Косоний маънавий меросида ижтимоий-фалсафий, илмий-маданий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий, дидактик-таълимий ва маърифий қарашларининг илдизлари шахс ва жамият, ижтимоий адолат ва тенглик, бағрикенглик, оила ва никоҳ масалаларига оид илмий хулосаларидан Жиззах вилояти «Истикбол» минтақавий тадқиқот марказидаги 46-11/50 рақамли «Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш» мавзуидаги грант лойиҳасининг «Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш» деб номланган 2-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 89-03-926 сонли маълумотномаси). Бу эса «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»да ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга хизмат қилган;

мутафаккирнинг ҳаёт йўли, ижодининг ўзига хос хусусиятлари, нақшбандия тариқатининг ривожлантиришдаги илмий-амалий фаолияти, илмий асарларининг аҳамияти, ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб берувчи материаллар, аллома асарларининг намуналари (кўлёмалар), мутасаввиф мероси ҳақидаги илмий хулосалари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ва унинг филиалларида экспозицияларнинг экскурсия матнларини ва музей фондини янги маълумотлар билан бойитиш асосида Наманган вилояти тарихи ва

маданияти давлат музейида амалиётга тадбиқ этилган. (Маданият вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 01-12-10-2524 – сонли маълумотномаси). Ушбу илмий тадқиқот натижалари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи «Хужжатлар ва фонотека» фондидини бойитган;

Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий-тарбиявий ғоялари асосида ҳосил қилинган хулоса ҳамда ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялардан Наманган вилоятида ташкил этилган «Миллатлараро тотувлик юксак кадрият», «Бир оилада эзгу мақсадлар сари» дастури сценарийсини тузиш ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 8 августдаги 02/09-1047-19 сонли маълумотномаси). Натижада талабалар, ёшлар ва аҳоли онгида миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, қўшни халқлар билан миллий ва диний аҳиллик, толерантлик каби миллий ва умуминсоний кадриятларни сингдиришга замин яратилган.

инсонпарварлик, бағрикенглик, ватанпарварлик ва масъулиятлилиқ тўғрисидаги ғоялари асосида ишлаб чиқилган маънавий баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилган илмий натижалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасидаги ёшларни ижтимоий барқарорликка таҳдид солаётган иллатларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашга оид вазифани амалга оширишга йўналтирилган ижтимоий лойиҳалар сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 25 сентябрдаги 04-13/2368 сонли маълумотномаси). Натижалар ёшлар ўртасидаги маънавий-ахлоқий инқироз тамойиллари, мафкуравий таҳдидларга қарши маърифий кураш, аждодлар маънавий меросини кенг тарғиб қилишга бағишланган чора-тадбирларни мазмунан бойишига, ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (6 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация

бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги ва илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг «**Махдуми Аъзам – нақшбандия таълимотининг назарий ва мутафаккири**» деб номланган биринчи бобида Марказий Осиёнинг XV-XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, шайбонийлар ва темурийлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш ҳамда унинг минтақа маданий-маънавий ҳаёти ривожига таъсири, Махдуми Аъзам дунёқарашининг шаклланиши ҳамда илмий меросига таъсир этган ижтимоий-тарихий ва маданий омиллар тадқиқ этилган.

Сайид Аҳмад ибн мавлоно Жалолоддин Косоний – Махдуми Аъзам 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида туғилган 1542 йилда Самарқанднинг Даҳбед мавзеида вафот этган. Шунингдек, ўрта аср манбалари, қабртошлари ва тарихий обидаларнинг пештоқида ёзилган маълумотлар асосида мутафаккирнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) йигирма иккинчи авлод бўлганлиги аниқланган¹.

Махдуми Аъзамнинг фавқуллодда истеъдоди, тасаввуф ва фикҳ соҳасидаги билими ва эл орасида орттирган шухрати туфайли XVI асрнинг бошларида шайбоний ҳукмдорларидан бўлган Самарқанд ҳокими Жонибек султон диний масалаларда маслаҳатчи сифатида шайбонийлар пойтахтига таъин қилинган².

Манбалардан аниқланишича, Махдуми Аъзам олтмишта авлиёни тарбиялаган муршид – «пири шасти» деган фахрли унвон олган³. Диссертацияда Махдуми Аъзам ҳақида қимматли маълумотларни қолдирган Мавлоно Муҳаммад Қозий, Муҳаммад Доро Шукуҳ, Дўст Муҳаммад Наврўз Аҳмад ал-Кеший Фолизор, Хожа Абулбақо ибн Хожа Баҳоваддин, Муҳаммад Муфти Оҳангароний, Муҳаммад Мусо ал-Даҳбедий, Мавлоно Муҳаммад Тоҳир Хоразмий асарлари келтирилган ва таҳлил қилинган.

Мустақилликдан кейин Б.Валихўжаев, А.Зоҳидий, Б.Тўраев, К.Каттаев, Н.Жабборов, И.Ғозий, Э.Зоиров, Х.Саматовлар Махдуми Аъзамнинг ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашлари тўғрисида тадқиқотлар олиб борганлар.

Махдуми Аъзам ўзидан ўттиздан ортиқ илмий-фалсафий, диний-ахлоқий ва дидактик асарлар қолдирган. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Қўлғамалар фондида сақланади. Диссертацияда ушбу асарлар тавсифи берилган, уларнинг қисқача

¹ Қошғарий Муҳаммад Содик. «Тазкираи Азизон» Каттаев К. шахсий кутубхонасидан. Носириддин Хусайн Бухорий. «Тухфат-ул-зоирин». Бухоро шаҳар музейи кутубхонаси. – Бухоро, -Б.61-66, Муҳаммад Қози «Силсалат-ул-орифин» Қўлғамалар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. инв.№11413.

² Валихўжаев Б. Махдуми Аъзам Даҳбедий // Валихўжаев Б., Зоҳидий А. Махдуми Аъзам (мақолалар тўплами) - Тошкент: «Наврўз», 1993. -Б.6.

³ Ҳисорий Абдурахим. «Тухфат-ул-ансоб». Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Қўлғамалар. инв.№9652. – В.199.

мазмуни баён қилинган, керакли жойларда қўлёмалардан иқтибослар келтирилган. Улар ичида бевосита ёшлар тарбиясига, оилани мустаҳкамлаш, маънавий баркамол инсон муаммоларига бағишланган асарлар ҳам бор. Улар «Асрор-ун-никоҳ», «Рисолаи самоъия», «Рисолаи вужудия», «Одоб-ус-соликин», «Одоб-ус-сиддиқин», «Ганжнома», «Рисолаи бақоия», «Насиҳат-ус-соликин», «Шарҳи савод-ул-важҳ», «Танбеҳ-ус-салотин», «Шарҳ-ул-валаду сиррун ли абиҳи», «Нафаҳот-ус-соликин», «Рисолаи зикр», «Рисолаи баёни силсила», «Рисолаи чаҳор калима», «Силсилат-ус-сиддиқин», «Зубдат-ус-соликин ва танбият-ус-салотин», «Рисолаи Гул ва Наврўз», «Муршид-ус-соликин», «Рисолаи воқеаи ҳаққония», «Рисолаи Бобурия», «Рисолаи шайбия», «Рисолаи илмия», «Рисолаи аҳволул-уламо ва умаро», «Рисола дар маноқиби Хожа Абдуҳолиқи Ғиждувоний» ва бошқалардир.

Ушбу асарларни ўрганиш жараёнида Маҳдуми Аъзамнинг асосий илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий ғояларини, яъни жамиятда, мамлакатда, оилада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, давлатчилик ва давлатни бошқариш санъати, одил подшоҳ ва ижтимоий адолат масалалари, умуминсоний бағрикенглик, диний бағрикенглик, ирқий бағрикенглик, ижтимоий-сиёсий бағрикенглик, ахлоқ гўзаллиги ва маънавий баркамол инсон тарбияси каби тамойилларни таснифлаш имконини берган.

Диссертацияда ушбу тамойилларнинг тарихий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий аҳамияти очиқ берилган. Нақшбандия тариқати ғоялари инсонлар ўртасида ахлоқий, диний, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган.

Маҳдуми Аъзамнинг илмда юқори мартабага эришганлиги, соҳиби каромат – авлиёлик даражасига етганлиги ҳақидаги овозалар замон ҳукмдорлари қулоғига етиб боради. Темурийлардан Абу Саид Мирзо, Бобур Мирзо, шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллоҳон, Абдулазизхонлар, пири комилга ихлос билдиришиб, Маҳдуми Аъзамга мурид бўлишган¹.

Аллома ўз даврида нақшбандия тариқатининг раҳнамоси сифатида тасаввуф ва футувват ғояларини жамиятнинг янги эҳтиёжларига мос ҳолда ўзгартирди ва амалий жиҳатдан бойитди. Маҳдуми Аъзам жамиятни ижтимоий-сиёсий ва маънавий-руҳий барқарор бўлиши учун тариқатлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиб, яссавия ва кубравия тариқатларидаги илғор ғояларни қабул қилди, бойитди ва ривожлантирди. Унинг ижтимоий-ахлоқий ғоялари бугунги кундаги мафкуравий таҳдидлар, «оммавий маданият» хуружи ошаётган бир пайтда, ёшларни ахлоқий етукликка, бағрикенгликка ундайди, уларда маънавий ва ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Мутафаккир давлат ва жамият ҳақида**» деб номланган иккинчи бобида мутасаввифнинг жамият барқарорлиги, ижтимоий адолат масалалари, давлат ва давлатчилик, ижтимоий ва диний

¹ Ғозий Илёсхон. Маҳдуми Аъзам Имом ал-Косоний. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 105.

бағрикенгликка оид қарашлари, ҳамда аллома таълимотининг кейинги даврларда яшаган мутасаввифларга таъсири очиб берилган.

Тасаввуфнинг хожагон-нақшбандия тариқати замирида мавжуд бўлган меҳнатсеварлик, одамийлик, адолатпешалик ғоялари XVI аср биринчи ярмига келиб, Мовароуннахр ва Хуросонда ўзининг юксак назарий ва амалий ривожланишида Махдуми Аъзамнинг ҳиссаси катта бўлди.

Нақшбандия тариқатининг пири-муршиди Махдуми Аъзам сиёсий майдонда янада катта фаолликнинг намоён этди. Хожа Аҳрордан сўнг Махдуми Аъзам биродарликда ахлоқий фаолиятни бирламчилигини эълон қилди ва шайбонийлар ҳукмдорлари сулоласи билан ўз мулоқотларини мустаҳкамлашга кўп куч сарфлади.

Ҳукмдорларнинг тожу тахт учун олиб бораётган урушларининг оғир юки оддий халқ елкасига тушишини яхши англаган мутафаккир уруш ва низоларни қоралаган ва кўп ҳолларда бундай низоларни олдини олишга муваффақ бўлган.

Мутасаввиф олимларни давлат мустаҳкамлиги ва тараққиётининг кафолати ва асоси деб билган. Олимнинг ўзи ўлса ҳам, лекин унинг халққа нафи тегадиган илми ҳамиша барҳаёт қолади, деб ҳисоблаган.

Махдуми Аъзам ҳукмдорларга: «Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қарамидаги раият уни васф қилур, агар золиму нодон бўлса, ўз фуқаросига ҳамда ўз бошига жабру зулматлар келтирур»¹, деб кўрсатмалар берар эди. Яъни, у давлат раҳбарлари адолатли, виждонли, қалби пок, талабчан, тадбиркор, ўткир зехнли, ақл-заковатли, узокни кўра биладиган киши бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган.

Нақшбандия тариқати ўз мактабига қарийб жами ҳукмдорларни жалб қилган. Масалан, Махдуми Аъзам даври кузатилганда, шайбоний ҳукмдорлар Убайдуллоҳон, Абдулазизхон, Жонибек султон, Исфандиёр султон, Искандар султонлар ва темурийлардан Бобур Мирзо Махдуми Аъзамнинг муридлари эдилар. Ёки Хожа Аҳрорни олсак, Султон Абусаид, Бобур Мирзолар Хожа Аҳрорнинг мухлислари эдилар. Бу тариқат пешволари фуқаро ва ҳукамо ораларидаги муносабатни деярли назорат остига олган эдилар ва асосан халқ томонида эдилар. Шундай қилиб, Нақшбандия тариқати кишиларни маънавий жиҳатдан пок инсон бўлишга даъват қилиши билан бирга, у мазлум халқ манфаатларини муҳофаза қилишни шариат йўлида ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билган.

Махдуми Аъзамнинг фикрича, инсоннинг фойдали меҳнат билан шуғулланиши нафақат, жамиятдаги ва оиладаги барқарорлик, фаровонликнинг гарови, балки мамлакатдаги тараққиёт, ижтимоий барқарорлик, тинчлик, осойишталик ва моддий ҳаёт маъмурлигини ҳам таъминлайдиган устувор фаолиятдир. Бу нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «дилинг Аллоҳда бўлсину қўлинг меҳнатда бўлсин» шиорига тўла мувофиқдир. Ушбу шиорнинг бугунги кундаги ҳаётимизда

¹ Хожагий Аҳмад Косоний. «Зубдат ус-соликин ва танбият ус-салотин» // Тарж. Валихўжаев Б. -Самарқанд: «Сўғдиёна», 1994. –Б.59.

нақадар муҳим ўрин тутганлигини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилги Қурбон ҳайити муносабати билан халқимизга қилган байрам табригида тилга олинганлигидан ҳам англаш мумкин¹.

Маҳдуми Аъзам тариқатнинг ривожидан подшоҳларнинг унга хайрихоҳона муносабатига боғлиқ, деган фикрни қайта-қайта такрорлайди: «Аммо, эй толиби содиқ, шуни билгилки, агар замон подшоҳлари уларга ва уларнинг тариқатига ихлос ҳамда эътиқод қўйиб, уларга мададкор ва ёрдамчи бўлсалар, бу олий тоифа (нақшбандийлар – А.Н.) ул вақтда бу шариф нисбат (тариқат – А.Н.) билан шуғулланиб, уни ривожлантира оладилар. Акс ҳолда, жуда мушкул бўлади»².

Маҳдуми Аъзамнинг рисолаларини кўздан кечирганимизда унинг каттагина қисми нақшбандия фаолиятининг ижтимоий –адолат ва одоб-ахлоқ масалаларига бағишланганининг гувоҳи бўламиз.

Маҳдуми Аъзамнинг рисолаларидаги ғоялари унинг даврида нақшбандия сиёсий фаолиятида тариқатнинг «сиёсий дастури» сифатида у ёки бу даражада ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

Мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий таълимоти шуни кўрсатадики, халқ аҳволини яхшилаш, уларнинг манфаатини ҳимоялаш учун турли воситалардан, инчунин сиёсий институтларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш зарур. Мақсад юрт тинчлиги, эл фаровонлиги бўлиши лозим. Бу таълимот миллий истиқлол мафқурасининг теран диний-фалсафий илдизларидан биридир.

Нақшбандия тариқатининг ХУІ асрдаги буюк раҳнамози Маҳдуми Аъзамнинг ижтимоий-ахлоқий фаолияти истиқлол туфайли вужудга келган янги руҳ ва мазмундаги фалсафа ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради. Лекин бу муҳим масала узоқ йиллар давомида кўлэзма манбалар асосида мукамал ва холис ўрганилмади.

Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланиб, бу масала диссертацияда имкон доирасида кенг таҳлил этилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари яратилган. Зеро, мутасаввифларнинг таъкидлашича, комил инсоннинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур этиб бўлмайди. Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажаллийсининг мукамал ва олий даражаси, барча инсон зоти ягона илоҳий жавҳарнинг шуъласи, тажаллийсидир. Ушбу масала мутафаккирнинг барча рисолаларида асосий ўрин эгаллаган.

Маҳдуми Аъзамнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари назарий жиҳатдан тасаввуфий ғоялар билан суғорилган бўлиб, жамиятда жавонмардлик-футувват ғоялари асосида амалий томондан намуна қилиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги. -Тошкент: «Халқ сўзи» газетаси, 2019 йил 10 август.

² Хожагий Аҳмад Косоний. «Зубдат ус-соликин ва танбият ус-салотин» // Тарж. Валихўжаев Б. -Самарқанд: «Сўғдиёна», 1994. -Б.60.

кўрсатилган. Мутафаккир тасаввуридаги идеал, комил инсон ҳалол луқма билан камол топган, яхши мураббий-устозлар (пиру муршидлар) суҳбати билан тарбияланган билимли шахс бўлиб, унинг асосий мақсади инсониятга эзгулик қилишдир. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва демократик фуқаролик жамияти бунёд этилаётган вақтда, Махдуми Аъзамнинг инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланишини тарғиб қилган ғоялари, маънавий-жисмоний соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим вазифаларни амалга оширишда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-ахлоқий ва ирфоний қарашлари**» деб номланган. Унда мутафаккирнинг фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий қарашлари Ибн ал-Арабий ва Азизиддин Насафийларнинг «вахдат-ул-вужуд», комил инсон концепциялари таъсирида шакллангани асосланган.

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг дунё яратилишида илк сабаб, яъни Аллоҳнинг мавжудлигини эътироф этгани кўрсатилган.¹ Махдуми Аъзам фикрича, инсон нафақат вужудий ва ақлий билиш, шу билан бирга маънавий интеллектуал ҳаётида устувор ўрин эгаллайдиган илоҳий билиш қобилиятларга ҳам эга.

Махдуми Аъзам борлиқ, олами «боқий», «ҳақиқий» (азалий, чин) ва «фоний», «оразий» («ўткинчи», «иккинчи даражали»)га ажратган. Аллома биринчисига Аллоҳни, иккинчисига Аллоҳ томонидан яратилганларни киритган.

Махдуми Аъзам «Ҳақ ва халқ» тушунчаларини айнан бир субстанциялар сифатида тушунган. Тадқиқотчи Э.Зоиров фикрича, «Худо билан яратилганлар ўртасида айнанлик бор, аммо бу айнанлик мутлоқ эмас»². Мазкур талқиндан келиб чиқиб, Махдуми Аъзам «бақо» ва «фано» тушунчаларининг фалсафий моҳиятини очиб беради. Унинг таъкидлашича, «бақо» - мавжудлик, аммо киши ушбу мавжудликка «фано» орқали, яъни тасаввуф босқичлари – шариат, тариқат ва маърифат орқали илоҳий борлиққа – «ҳақиқат»га етишиши мумкин. Шу ўринда Махдуми Аъзам Мансур Халложнинг фалсафий концепциясига таянган ва фикрининг исботи учун шундай ёзади:

Қурби Боло на аз пасти растан аст,

Қурби Ҳақ аз ҳасти орастан аст.

Мазмуни: Юқорига (юксакликка) интилмоқ пастдан юқорига кўтарилмоқ эмас, Ҳаққа эришмоқ борлиқни (ўзликни), безамоқ, зийнатламоқ, созламоқ, яъни ўзликни камолотга етказиш, Ҳаққа эришмоқдир»³.

Тасаввуф таълимотининг бош мақсади, асл моҳияти комил инсон, ҳар томонлама етук инсон тарбиясидан иборат бўлган. Таниқли тасаввуфшунос олим Усмон Турар «тасаввуфнинг ғояси» масаласини таҳлил этиб, шундай

¹ Хожагий Аҳмад Косоний. «Ганжнома». Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Қўлёзма. инв. №501/VI-И 1-2.

² Зойиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. –Тошкент: «Турон замин зиё», 2015. -Б.17.

³ Махдуми Аъзам. «Рисолаи вужудия». Таржимонлар: Наврўзова Г., Зоиров Э., - Бухоро, 2007. -Б.54-55.

фикрни берган: «Ҳазрати пайғамбаримиз(с.а.в.) «Мен гўзал ахлоқни адо этмоқ учун юборилдим» дейиш билан сўнгги пайғамбар сифатида ўз рисолатларининг ғоясини билдирганлар»¹.

Махдуми Аъзамнинг рисолаларида шу ғояларни ривожлантириб, уни шакллантириш йўллари очиб берилган. Мутасаввиф фикрича, инсон фарзанди юксак ахлоқ-одоб, инсоний фазилатларга эга бўлмай туриб тариқат йўлига киролмайди ва табиийки, кейинчалик ҳаққа восил бўла олмайди.

Тасаввуфда Аллоҳни танимоқлик илми тавҳид дейилади. Бутун олам унинг ягоналиги ва унинг зотидан иборатлиги тавҳиддир. Ушбу ягоналикдан боҳабар инсон эса ўз хулқ- атвори, сайъ-ҳаракатини ўйлаб амалга оширади. Тавҳид ва ирфон йўлини тасаввуф алломалари ҳою-ҳавасларни йўқотадиган, инсонни юқори маънавий чўққига кўтарадиган восита деб биладилар.

Мутасаввиф инсоннинг қалби, унинг руҳи Ҳаққа талпинади, аммо у дунёвий ишларни, муаммоларни ҳам идрок этишга қодир – деб қуйидаги байтни келтирган:

Дил арши азим аст худоро ба иттифоқ,
Инжост жойи салтанат, онжост жои дор.²

Мазмуни:

Юрак худо наздида Арши азимдур.

Бу ер салтанат жойидир у ер (олам) дунё жойидур.

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг инсон борлиги мавжудлигини ер, сув ҳаво ва олов ташкил этишини қайд қилган. Шу билан биргаликда инсонда «руҳ», «қалб» бор, ушбу субстанция туфайли у Худо билан боғланган. Худо ушбу қалбнинг марказида жойлашган. Дуо ва ибодатлар кишининг истак ва иродаларидан, ўткинчи нарсалардан холи бўлганида ҳақиқийдир»³.

ХУЛОСА

«Махдуми Аъзам Косонийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти» мавзудаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Махдуми Аъзам XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашган, қудратли темурийлар салтанати инқирозга учраб, парокандаликка юз тутган ҳамда темурийлар ва шайбонийлар ўртасида тож-тахт учун кураш авжига чиққан, минтақада безовталиқ авж олган мураккаб бир даврда яшаб ижод қилган.

2. Махдуми Аъзам нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиси сифатида ушбу таълимотни илмий-назарий ва фалсафий жиҳатдан юксак поғоналарга кўтариш билан биргаликда, уни амалий жиҳатдан ривожлантирди.

¹ Турар У. Тасаввуф тарихи. Сўз боши ва масъул муҳаррир С.Рафъиддин. -Тошкент: «Истиқлол», 1999. -Б.17.

² Махдуми Аъзам Косоний. «Одоб- ус-солиқин». Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Инв. №1443 -Б.2.

³ Хожагий Аҳмад Косоний. “Миръот-ус-сафо”. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Инв.№501/XX.В. -Б. 3.

3. Махдуми Аъзам ўзи яшаган даврдаги қарама-қарши кучларнинг ўзаро зиддияти кучайган жамиятда кишиларни тинчлик-осойишталикка, ҳамжиҳатликка, бошқа диний эътиқоддагиларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлишга даъват этиб, давлатни бошқаришда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш, гуманистик қадриятларни асраш, кишининг билим олишга интилишини қўллаб-қувватлаш каби илмий ғояларни илгари сурган.

4. Махдуми Аъзам илмий-фалсафий ва диний-ирфоний асарларида инсон ботинида шаклланадиган динийлик ва дунёвийлик, илоҳийлик ва инсонийлик тамойилларини антагонистик қарашлардан фарқли ўлароқ, уларни муросасозлик нуқтаи назаридан талқин этиб, жамиятда инсонларни ўзаро келишув – консенсусга, тотувликка чорлаб, бу борада кишилардаги маънавий-ахлоқий етуклик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб берган.

5. Махдуми Аъзам тариқат издошининг маънавий ривожланишида муҳим бўлган уч қоидага, яъни «ихвон», «макон» ва «замон» тушунчаларига тўртинчи қилиб, «хон» қоидасини жорий этади, яъни тариқат фаолияти самарали бўлишини таъминлаш ҳукмдорларга боғлиқ ва уларнинг бош вазифаси эканлигини таъкидлайди. Бу ерда аллома адолатни ибодатдан афзаллигини, мўмин-мусулмонлар адолат тантанаси учун мудом интилоқлари лозимлигини қайд этган.

6. Махдуми Аъзам илмий-фалсафий ва диний-ахлоқий меросининг туб моҳияти ягона Аллоҳга чуқур эътиқод, жамиятда яшаб инсонларга ҳар томонлама холис хизмат қилиш, уларга наф келтириш, жамият ва инсонлар манфаатини ўз эҳтиёжларидан устун билиш бўлиб, тасаввуфдаги жавонмардлик-футувват жараёнини илмий-амалий жиҳатдан асослаган.

7. Махдуми Аъзам илмий билишнинг зоҳирий ва ботиний, қол ва ҳол илми тушунчаларнинг таҳлил этиб, моҳиятини очиб берган.

8. Махдуми Аъзам тасаввуф таълимоти қотиб қолган догматик таълимот эмаслиги, аксинча инсонни комиллика етакловчи диалектик характердаги фалсафий таълимот эканини ўз асарлари орқали исботлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

9. Махдуми Аъзам инсонни комиллика элтувчи фазилятларни чуқур тадқиқ этган ва кўплаб муриду шогирдларни тарбиялаб вояга етказган тариқат назариётчисидир.

10. Махдуми Аъзам умуминсоний, ахлоқий, диний-ирфоний ва интеллектуал сифатларни ўзида мужассам этган комил инсоннинг илмий-ахлоқий қиёфасини яратган бўлиб, уни замонавий «баркамол инсонни» тарбиялаш концепциясига, Ўзбекистон ёшларининг маънавий-ахлоқий етук қилиб тарбиялаш тизимига киритиш мумкин.

11. Махдуми Аъзам таълимотининг ахлоқий ва бунёдкор ғоялари миллий ғояни маънавий-маърифий, фалсафий асосларини ривожлантиришда илдишларини шакллантиришда назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

12. Мутасаввифнинг ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, фидоийликка ундовчи бунёдкор фикрларидан янги Ўзбекистонни ривожлантиришда, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРИДДИНОВ АБДУЛВОХИДХОН ОРИФХУЖАЕВИЧ

**ЗНАЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНО–ПРАВСТВЕННЫХ ВЗГЛЯДОВ МАХДУМИ
АЪЗАМА КАСАНИ**

09.00.03 - История философии

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени
доктора (PhD) философии по философским наукам

Бухара – 2020

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.(PhD)Fal162.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) и на Информационном образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ҳошимхонов Мумин**
доктор философских наук

Официальные оппоненты: **Сафарова Нигора Олимовна**
доктор философских наук, профессор

Зоҳидов Абдуқодир
кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «15» декабрь 2020 г. в «14⁰⁰» часов на заседании ученого совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М.Икбол, 11. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07 e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 983). Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: +99865221-29-14.

Автореферат диссертации разослан «1» декабрь 2020 года.
(Реестр протокол рассылки № 2 от 1 декабрь 2020 года).



Г.Н. Наврузова
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор,

А.З. Шарипов
Ученый секретарь научного совета, кандидат философских наук, доцент

Х.Ю. Саломова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире велик интерес к изучению, преподаванию, исследованию учения тасаввуфа, являющегося философским наследием народов Востока, его идеи о гуманизме, просвещении и мире включаются в государственные, образовательные и правовые основы современных развитых обществ. Важное значение имеет анализ понятий, идей о совершенствовании человека, присущих учению тасаввуфа накшбандия и его основных школ: ахрория и дахбедия, а также определение и научная классификация их источников, эти темы в качестве культурного наследия мировой философии служат объектами исследования ведущих востоковедов. Научное и духовное наследие великих мутасаввифов Востока, в том числе одного из ярких представителей тариката хожагон-накшбандия Махдуми Аъзама Косони занимает важное место в воспитании народов мира, особенно молодежи в качестве высоконравственных, духовных и всесторонне развитых людей.

В рамках всемирной истории развития современных философских знаний осуществляется научное исследование учения дахбедия, которое является одной из мистических школ философии Востока, деятельности его крупных представителей, созданных ими прозведений. В этой связи уделяется особое внимание исследованию духовно-просветительского наследия, оставленного мыслителями тасаввуфа, раскрытию выдвинутых ими философских идей, социальных взглядов, служащих формированию духовного облика молодежи, ее нравственного возвышения, защите ее от идейных угроз, нравственного упадка, духовно-нравственных атак.

В период осуществления последовательных реформ в стране уделяется большое внимание всестороннему, глубокому изучению личностей, научного и духовного наследия наших великих ученых, внесших большой вклад в развитие мировой цивилизации. «Бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идём на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны»¹. Необходимо дальнейшее углубление научных исследований, раскрывающих гуманистическую деятельность, научно-философские и нравственные концепции, социально-нравственных идей одного из наших мудрых предков Махдуми Аъзама, направленных на развитие общечеловеческих демократических ценностей, укрепление мира и спокойствия.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. - <http://uza.uz/ru/politics/prezident-uzbekistana-shavkat-mirziyeev-vystupil-na-72-y-ses-20-09-2017>

письменных источников», ПП-3721 от 12 мая 2018 года «Об организации среди молодежи конкурсов любителей книги в целях широкого изучения и пропаганды творческого наследия наших великих ученых, поэтов и мыслителей», ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными, такими как А.Хамид, Т.Эсенбеки, А.Кныш, В.Гарднер, и другими признано место Махдуми Аъзама в развитии тариката накшбандия в XVI веке в Мавераннахре. В этом плане особое значение взгляды, изложенные в тазкира «Аз насабномаи сайидзодагони Мовароуннахр» (Книга происхождения сайидзода из Мавераннахра) («Бахр-ул-ансоб»), принадлежащая перу потомка Хазрата Махдуми Аъзама, исследователя Ходжи Сайида Абдуджалилходжа, состоящая из пяти томов¹.

Деятельность мыслителя в тарикате исследованы в трудах русских ученых О. Акимовкина, А. Семёнова и других. Переведены некоторые произведения мутасаввифа, на основе анализа которых освещены некоторые аспекты его социально-политических взглядов².

Первые сведения о жизни и деятельности Махдуми Аъзама принадлежат перу узбекских исследователей тасаввуфа, таких как Ходжа Абулбако ибн Ходжа, Абу Тохир Ходжа, Хофиз Иброхим, Мавлоно Мир Мухаммад аль-Муфти Охангарони, Абулхаким Самарқанди, Захириддин Мухаммад Бабур, Носириддин аль-Ханафи, аль-Хусайн аль-Бухори, Мухаммад Содик Кашгари, Мухаммад Кози³.

В годы независимости осуществлено несколько исследований, посвященных изучению жизни, научного наследия и суфийских взглядов Махдуми Аъзама. Практическую ценность имеют исследования таких авторов, как Н.Жабборов, К.Каттаев, А.Хужаев, А.Жузжоний, Б.Тураев,

¹Ходжи Сайид Абдуджалилходжа. Аз насабномаи сайидзодагони Мовароуннахр. (Мовароуннахр сайидзодалари насабномасидан), («Бахр-ул-ансоб»), I-V жилдлар. – Душанбе: Шарки озода, 2008-2009. – Б.351.

² Мудрость Суфиев. (Пер.с.перс). Ястребов О.М. Ионнесьяна И.А, Бобинтова Б.М. – Санкт-Петербург: Азбука. Петербургское Востоковедение, 2001. – С. 373-428.

³ Хожа Абдулбако ибн Хожа Бахоуддин. «Жомеъ-ул-макомот» Қўлэзма. ЎзР ФАШИ. Инв №7638/в; Мир Мухаммад ал-Муфтий—Охангароний. Манокйиб Мавлоно Лутфуллох. Қўлэзма. ЎзР ФАШИ. инв№ 5785; Абдул Ҳаким Самарқандий «Қандия» (таржимон К.Каттаев). – Самарқанд: «Сугдиёна», 1994. - 85 б.; Захириддин Мухаммад Бобур. «Бобурнома». - Т: «Юлдузча», 1994; Абу Тохирхўжа «Самария». - Т: "Камалак", 1991; Носириддин Хусайн Бухорий «Тухфат- ул-зоирин». - Бухоро шаҳар музейи кутубхонаси. 61-66 б.; Мухаммад Содик Қошғарий «Тазкираи Азизон». - К.Каттаев шахсий кутубхонасидан; Мухаммад Кози «Силсалат-ул-орифин» Қўлэзма. Ўз.Р.ФАШИ. инв №11413.

А.Зохийдий, Э.Зоиров, Х.Саматов, в которых освещены духовное наследие мутасаввифа, его социально-политические и филоофские взгляды¹.

В процессе работы на диссертацией приняты во внимание научные исследования указанных выше авторов и ряда других узбекских и мировых исследователей тасаввуфа. В настоящем исследовании, в отличие от других работ этого направления, монографически исследованы религиозно-мистические и социально-нравственные взгляды вдуховно и научном наследии Махдуми Аъзама Касани и его нравственно-воспитательное мастерство.

